

## Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 27-noyabr, payshanba

47 (9367)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

“Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Янги тахрирдаги Конституция –

## ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Ушбу ҳаққоний эътироф Президентимиз 2023 йил 16 ноябрда имзолаган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишда алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель кунги ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги тахрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Шу билан бир қаторда, Бош Қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги тахрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинганни биламиз. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги тахрири бевосита умумхалқ референдумида, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода, янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эса ислохотларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 7-моддаси биринчи бандида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи”, деган меъёр белгилаб қўйилган. Бунинг тизмисолида Ўзбекистон Республикасида жаҳон миқёсида умумэътироф этилган халқ ҳокимиятчилиги принципи, яъни халқ суверенитетининг ташувчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканини англатувчи тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистон инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган

давлат бўлиши, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши, халқимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши, барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Демократиянинг талабу таомили ва устунилиги ҳам шунда. Бунда қонун чиқарувчи ва ижро органларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, ҳокимият тармоқларини тийиб туриш ва мувозанатни сақлашда парламент ва жамоатчилик назорати механизмларини амалга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

## ҚИШЛОҚ ОБОДЛИГИ ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

“Обод” сўзини эшитганимизда кўз ўнгимизда ораста кўчалар, саранжом-саришта масканлар, қисқагина қилиб айтганда, ўзбекона миллий қадриятларимиз намоён бўлади. Ҳовлимиздаги саришталик маҳалла бўйлаб кенг кулоч ёзиб, халқ ҳашарига айланиб кетади.



Шубҳасиз, ободлик остонадан, саришта кўча ва хонадондан бошланади. Осойишта, аҳил оилалар обод маҳалла ва юртимизни гуллайтиб, яшнатади. Бу хайрли ва эзгу ишлар мавсум танламайди. Кексаларимиз айтганидек, саранжом-саришта жойда қут-барака, файзу

тароват бўлади. Айни пайтда бепоён юртимизнинг барча шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларида теварак атрофни тартибга келтириш, саранжом-саришта қилиш, тозалаш кўлами кенг қанот ёймоқда. Шу жумладан, Булунғур туманида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга

оширилмоқда. Айниқса, Олмazor маҳалласида олиб борилаётган ободончилик ишлари кўзни қувонтиради. Биргина мисол келтирадиган бўлсақ, маҳалладаги янгиликка интилувчан, тиниб-тинчимас 68 ёшли Муҳиддин бобо Мирзаев бу борада амалга ошираётган ишлари билан барча маҳалладошларига ўрناк бўлмоқда. Унинг ҳовлисига кирган кишининг кўзи қувонади. Тартиб билан экилган турли хил мева ва манзарали дарахтлар, саноғи йўқ анвоий гуллардан кишининг баҳри дили очилади.

– Мана бу биринчи қорғача чиройли очилиб турадиган гулларни Навоий шаҳридаги курсдошимникидан олиб келганман, – дейди бобо. – Олма, нок, анор, узум каби кўчатларни қашқадарёлик дўстим совға қилди. Бугунги кунда бу дарахтларнинг ширин-шакар ҳосили дастурхонимиз кўрки бўлиб турибди. Хушбўй гулларимиз эса ҳовлимизга кўрк бахш этган. Бундан ташқари, ҳовлимизнинг тўрига ва атрофига экилган 50 тупдан ортик ям-яшил арча дарахтлари кўчамизга ўзгача чирой бағишлаб турибди...

Раббим ҲОТАМОВ

Шахмат

## Жавоҳир Синдаров – ЖАҲОН КУБОГИ ҒОЛИБИ

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубоги финалида Синдаров хитойлик шахматчини мағлуб этиб, бош совринни кўлга киритди. Яна бир ўзбекистонлик шахматчи Нодирбек Якуббоев эса турнирда 4-ўринни эгаллади.

Бу нуфузли мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан 200 нафардан ортик шахматчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Финалда ўзбекистонлик Жавоҳир Синдаров хитойлик Вей Йинга қарши дона сурди. Ғолиб тай-брейкда аниқланди. Унда Синдаров 1,5 : 0,5 ҳисобларида ғалаба қозониб, жаҳон кубоги ғолибига айланди. Шу тариқа Синдаров Ҳиндистондаги шахмат мусобақасидаги

ғолиблик ортидан 120 минг доллар пул мукофотига эга бўлди. Мукофот жамғармаси – 2 миллион АҚШ долларидан иборат эди.

4-ўринни эгаллаган Нодирбек Якуббоев эса 50 минг доллар пул мукофотини кўлга киритди. Бу ғалаба ортидан Жавоҳир Синдаров 2026 йилнинг март ойида ўтказиладиган номзодлар турнирига расмий йўланмани кўлга киритди.



Бугунги кунда юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ушбу неъматни исроф қилиш, ундан фойдаланишда қонунларни менсимаслик ҳолатлари ҳамон кўплаб учраётгани кишини ташвишга солади. Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 85,7 фоизи марказлашган ичимлик суви истеъмол қилиб келмоқда. Қолган 14,3 фоиз аҳолининг ичимлик суви таъминоти алтернатив манбалар ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятимизда ҳам иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши, аҳоли сонининг ошиб бориши билан бир қаторда сувга бўлган талаб ҳам кундан кунга ўсиб бормоқда.

Инспекция томонидан жорий йилнинг январ-июн ойларида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан тегишли тартибда чоралар кўрилди. Хусусан, 277 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жами 658 миллион сўм жарималар расмийлаштирилди.

Сув сифатини назорат қилиш мақсадида лаборатория синовлари ўтказилди. 1110 та синов натижаси таҳлил қилинди.

Аҳолининг сув хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича ҳам

ижобий ишлар амалга оширилди. 273 та янги истеъмолчи билан шартномалар тузилиб, жами 1162 нафар аҳоли ичимлик ва оқова сув хизматлари билан қамраб олинди. Шунингдек, давлат ва бюджет ташкилотларида сувдан фойдаланиш бўйича текширувлар ўтказилиб, 318 та муассасада 36 турдаги камчиликлар аниқланди. Бу камчиликлар бўйича 36 та жарима қўланилиб, 40,5 миллион сўм миқдориди маъмурий чора кўрилди.

Камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилотларга 214 та мажбурий кўрсатма юборилди. Шунингдек, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида

165 та тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирлар ижтимоий тармоқлар, маҳаллалар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қамраб олган ҳолда ташкил қилинди.

Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатлари давомида 16 та муурожаат ва саволлар келиб тушди. Уларнинг барчаси қисқа фурсат ичида ижобий ҳал этилди.

Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: ким нимани хор қилса, ўшанга зор бўлади. Айниқса, сувни исроф қилиб бўлмайди. Сув бу сайёрамизнинг асосий табиий бойлиги ҳисобланади. Сувни биз ичамиз, қундалик эҳтиёжларимиз учун ишлатамиз, лекин ҳозирги вақтда ичимлик сувининг дунё бўйича танқислигини ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Тежамкорлиқни сувнинг ҳар бир томчисидида бошламоқ керак. “Тома-тома кўл бўлур”, деб халқимиз бежизга айтишмаган. Минг йиллар давомида сув ўзбек халқи учун фақат моддий фаровонлик омили бўлибгина қолмай, айни чоғда маънавий юксаклик

тимсолига ҳам айланган.

Бугунги кунда вилоятимиз истеъмолчиларига не-не заҳматлар ва меҳнатлар орқали етказиб берилаётган ичимлик сувини асраб авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва истеъмол қилишдан ичимлик суви учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш орқали ўз ҳиссамизни қўйсак, айни муддао бўлади. Бу эса, ўз навбатида, эл-юртимиз фаровонлиги ва халқимизни тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини яхшилаш, келажак авлодларимизга тоза ва сифатли ичимлик суви етиб боришида, шунингдек, ичимлик суви етказиб бериш хизматларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сув– ҳаёт манбаи, уни увол қилишга ҳаққимиз йўқ. Унинг ҳар томчисини авайласакки юртимизни тўқин-соқинлик, ҳаётимизни фаровонлик тарк этмайди.

Ф.ҲАЙИТОВ,

Навоий вилояти ҳудудий Қўриқчи ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

## Замонавий пахта териш машиналарини сақловга қўйишдаги илмий ёндашувлар

Қишлоқ хўжалиги соҳасида техника ва механизация воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мамлакат агросаноат тизимининг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда жаҳон аграр ишлаб чиқаришида кузатилаётган асосий тенденция – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва рентабеллигини ошириш мақсадида агротехнологик жараёнларнинг тўлиқ механизация ҳамда автоматлаштиришга йўналтирилаётганидир. Президентимизнинг ташаббуси билан 2024-2025 йилларда халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда маҳаллий манбалар ҳисобидан қарийб 500 миллион АҚШ доллари миқдориди инвестиция ресурслари пахта териш машиналарини харид қилишга йўналтирилди. Мазкур дастур доирасида АҚШ, Хитой ва Туркия каби илғор ишлаб чиқарувчилардан замонавий пахта териш машиналари харид қилиниб, агрокластерлар ва фермер хўжаликларига қулай лизинг шартлари асосида етказиб берилди. Натижада, жорий йилги пахта териши мавсумига 1756 дона терим машиналари жалб қилинди, пахтани машинада териб олиш даражаси 52 фоизга етди. Ушбу кўрсаткич сўнгги йилларда амалга оширилаётган стратегик ислохотлар, илмий ёндашув ва инвестиция сиёсатининг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Пахта териш машиналарининг самарадорлиги ва узоқ муддатли ишлашини таъминлаш учун уларни харид қилишнинг ўзи кифоя эмас. Машинанинг эксплуатация давридаги ишончлилиги ва хизмат муддати, аввало, консервация ва сақлаш жараёнларининг илмий асосда ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу муносабат билан Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан фан ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида замонавий пахта териш машиналарини сақловга қўйиш бўйича илмий ёндашувлар, халқаро тажрибалар ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш масалалари юзасидан ҳудудларда амалий семинарлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар техник ресурсларни тежаш, эксплуатация харажатларини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларининг узлуксиз ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 3-саҳифада)

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 31-moddasida har bir inson shaxsiy hayotining daxlsizligi haqidagi qoida belgilangan bo'lib, shaxsiy va oilaviy sirga ega bo'lish, o'z sha'ni hamda qadr-qimmatini himoya qilish huquqiga egadir. Bunday himoya esa, bevosita fuqarolik qonun hujjatlarida o'z ifodasini topgan. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 100-moddasiga muvofiq fuqaro o'zining sha'ni, qadr-qimmatini yoki ishchanlik obro'siga putur yetkazuvchi ma'lumotlar yuzasidan, basharti bunday ma'lumotlarni tarqatgan shaxs ularning haqiqatga to'g'ri kelishini isbotlay olmasa, sud yo'li bilan raddiya talab qilishga haqli.

## INSONNING SHAXSIY HAYOTI DAXLSIZDIR

Manfaatdor shaxslarning talabiga ko'ra, fuqaroning sha'ni va qadr-qimmatini uning vafotidan keyin ham himoya qilishga yo'l qo'yiladi. Basharti, fuqaroning sha'ni, qadr-qimmatini yoki ishchanlik obro'siga putur yetkazuvchi ma'lumotlar ommaviy axborot vositalarida tarqatilgan bo'lsa, ayni shu ommaviy axborot vositalarida raddiya berilishi lozim. Agarda, bunday ma'lumotlar tashkilotdan olingan hujjatda uchrasa, bunday hujjat almashtirilishi yoki chaqirib olinishi kerak. Boshqa hollarda raddiya berish tartibi sud tomonidan belgilanadi.

Fuqaro ommaviy axborot vositalarida uning huquqlari yoki qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini kamsituvchi ma'lumotlar e'lon qilinganda, u ayni o'sha ommaviy axborot vositalari orqali chiqib, o'zini himoya qilish huquqiga ega. Basharti, sudning hal qiluv qarori bajarilmasa, sud qoidabuzarga qonun hujjatlarida belgilangan miqdorda va tartibda undiriladigan jarima solishga haqlidir. Jarimani to'lash qoidabuzarni sudning hal qiluv qarorida nazarda tutilgan harakatlarni bajarish vazifasidan ozod etmaydi.

O'zining sha'ni, qadr-qimmatini yoki ishchanlik obro'siga putur yetkazuvchi ma'lumotlar tarqatilgan fuqaro bunday ma'lumotlar rad etilishi bilan bir qatorda ularni tarqatish oqibatida yetkazilgan zararlar va ma'naviy ziyonning o'rnini qoplashni talab qilishga haqlidir. Ushbu moddada fuqaroning ishchanlik obro'sini himoya qilish to'g'risidagi qoidasi yuridik shaxsning ishchanlik obro'sini himoya etishga nisbatan ham tegishli yo'sinda tatbiq etiladi. Bu o'rinda, fuqaroning ismga bo'lgan huquqi ham himoya qilinishini aytib o'tish lozim. FKning 19-moddasiga muvofiq, agar qonundan yoki milliy odatdan boshqacha tartib kelib chiqmasa, fuqaro o'z familiyasi va nomidan, shuningdek, otasining ismi bilan huquq va majburiyatlarga ega bo'ladi hamda ularni amalga oshiradi.

Qonunda nazarda tutilgan hollarda va tartibda fuqaro taxallusdan (to'qilgan ismdan) foydalanishi mumkin. Fuqaro qonunda belgilangan tartibda

o'z ismini o'zgartirishga haqli. Fuqaroning o'z ismini o'zgartirishi avvalgi ismi bilan olgan huquq va majburiyatlarini bekor qilish yoki o'zgartirish uchun asos bo'lmaydi. Fuqaro o'z ismini o'zgartirganligi haqida qarzdorlari va kreditorlariga xabar berish uchun zarur choralarni ko'rishi shart va u mazkur shaxslarda fuqaroning ismi o'zarganligi haqida ma'lumot yo'qligi tufayli kelib chiqishi mumkin bo'lgan oqibatlar xavfini o'z zimmasiga oladi. Ismini o'zgartirgan fuqaro o'zining avvalgi ismiga rasmiylashtirilgan hujjatlariga o'z hisobidan tegishli o'zgartirishlar kiritilishini talab qilishga haqli. Fuqaro tug'ilgan vaqtida olgan ismini, shuningdek o'zgartirilgan ismini fuqarolik holati hujjatlarini qayd etish uchun belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tkazishi kerak. Boshqa shaxs ismidan foydalanib huquq va majburiyatlarga ega bo'lishga yo'l qo'yilmaydi. O'z ismi bilan yashash huquqiga e'tiroz bildirilayotgan yoki ismidan qonunsiz foydalanilayotganligi munosabati bilan manfaatlari buzilayotgan shaxs manfaatlarini buzuvchidan bunday harakatlarga chek qo'yishni va raddiya berishni talab qilishi mumkin. Agar manfaatlar qasddan buzilayotgan bo'lsa, jabrlangan shaxs qo'shimcha sur'atda zararni qoplashni talab qilishi mumkin. Zararni qoplash uchun manfaatni buzgan shaxsning daromadini berish talab qilinishi mumkin. Manfaat qasddan buzilganida jabrlanuvchi ma'naviy ziyonning qoplanishini ham talab qilish huquqiga ega.

Ism yoki shaxsiy sha'n egasi bo'lmagan, lekin oilaviy mavqeiga ko'ra, bundan manfaatdor bo'lgan shaxs ham ushbu moddaning birinchi qismida ko'rsatilgan harakatlarga chek qo'yish yoki raddiya berish haqidagi talablarni qo'yishi mumkin. Bu shaxs boshqa shaxsning o'limidan keyin ham uning ismini va sha'nini himoya qilishga qaratilgan talablarning bajarilishiga harakat qilishi mumkin. Ismni va sha'nni buzish tufayli keltirilgan zararni qoplash talabi o'limdan keyin tan olinmaydi.

Ayub MUHAMMADIYEV,  
O'zbekiston Respublikasi  
Jamoat xavfsizligi  
universiteti professori, yu.f.d.

## Янги таҳрирдаги Конституция – инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати

(Боши 1-саҳифада)

Юқорида айтиб ўтилган модданинг иккинчи банди биринчи қисмида белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши тўғрисидаги меъёр ҳам айтиб ўтилган фикрларнинг тасдиғидир. Ҳеч шубҳасиз, ушбу меъёрлар мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда халқимиз хоҳиш-иродаси ва инсонларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Мазкур модданинг иккинчи бандида яна бир умумэътироф этилган тамойил мустаҳкамланган. Унга кўра давлат ҳокимияти фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонулар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади.

Конституциямиз Муқаддимасида давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий мафқураси, халқимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар аниқ белгилаб берилган. Биринчи тамойил – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлик. Бу билан Конституциямиз инсоннинг асрлар давомида дунёда шаклланган асосий маънавий-ахлоқий қадриятлари ва асосий ҳуқуқларини ўзида муқассам этган ҳолда, инсоннинг олий қадрияти – унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати эканини эълон қилди. Конституциямизнинг аввалги таҳриридан фарқли ўлароқ, унинг янги таҳрирининг асосий ғояси шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, инсон шаъни ва кадр-қиммати-ни таъминлаш, илгари мавжуд бўлган “давлат – жамият – шахс” парадигмасини янги: “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари таърифига кўра, инсон қадри мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминла-нишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англа-тади. Бугунги кунда инсон кадр-қим-мати, унинг ҳуқуқлари, эркинлигини ва қонуний манфаатларини таъмин-лаш ғояси давлатимизнинг бутун ички ва ташқи сиёсатининг тамал тошига, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига ҳамда ушбу эзгу сазй-ҳаракатларни ўзаро боғлаб ту-рувчи муҳим омилга айланди. Агар дунё мамлакатлари Конституцияларида ин-

соннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этил-ганини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда шундан 90 таси янги таҳрирдаги Кон-ституциямизда мавжуд. Иккинчи тамо-йил – демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояла-рига садоқат. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда “инсон кадр-қиммати” тушунчаси ҳар бир инсон ҳурматга лой-иқ эканини тушунишга асосланган тен-глик ва шахсий эркинлик тушунчалари билан узвий боғлиқ. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда таъ-кидланганидек, эркинлик шахснинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишида давлат аралашувининг йўқлигини англатади.



Шу маънода, конституциявий ислохот-ларда ҳуқуқий, ижтимоий давлат импе-ративини таъминлашга алоҳида эъти-бор қаратилади. Бирдамлик, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капиталини ривожлантириш тамойиллари устувор-лигига таянилади. Учинчи тамойил – ҳо-зирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаш (ав-лодлар ҳуқуқлари тенглиги принципи), шунингдек, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусоф-лигини сақлашга астойдил интилиш. Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган давлатлар, глобал иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўз Конституция-ларига махсус экологик бўлимларни киритмоқда. Жумладан, дунёнинг юз-дан ортиқ давлати Конституцияларида давлатлар, глобал иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўз Конституция-ларига махсус экологик бўлимларни киритмоқда. Жумладан, дунёнинг юз-дан ортиқ давлати Конституцияларида ҳусусиятларининг таҳлили бу борадаги меъёрлар мустаҳкамлангани ва янада кучайтирилганини кўрсатади. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 115-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилма-хил-ликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳасида ягона давлат сиёсати

амалга оширилишини, 49-моддасида эса ҳар кимнинг қулай атроф-муҳит-га, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъмин-лаш белгиланган. Давлатнинг барқа-рор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанат-ни сақлаш, шунингдек, Оролбўйи мин-тақасининг экологик тизимини муҳо-фаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан риво-жлантириш юзасидан чораларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари ҳам шулар жумласидандир.

Тўртинчи тамойил – давлатчили-

гимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниш. Ўзбек халқининг тарихи асрлар қаъри-га бориб тақалади ва уч минг йилдан ортиқ даврни қамрайди. Ана шу бой ўтмишimiz цивилизация жараёнлари ва фалсафий қарашлар, илм-фан, ай-ниқса, тиббиёт, астрономия, география, математика, геодезия ва архитектура соҳалари ривожига, маданий ва маъ-навий қадриятларнинг шаклланишига сезиларли даражада ҳисса қўшди. Шу билан бирга, халқимиз тарихи, тур-муш тарзи ва анъанавий маданиятида маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар муҳим ўрин тут-ган. Улуг аждодларимизнинг маънавий юксалишга даъват этувчи эзгу амалла-ри, диний-ахлоқий, ҳуқуқий эътико-ди Конституциямизни маънавий бой-итди. Конституцияда халқимизга хос меҳр-оқибат, ўзга миллат вакиллари-га ҳурмат, билимга интилиш, ор-номус ва кадр-қиммат, бағрикентлик ва ҳаё каби фазилатлар ўз ифодасини топди. Унда муқаддас Ватанимиз халқига хос адо-лат, ростгўйлик, олижаноблик, мардлик ва саховат каби юксак фазилатлар ҳам мужассам этилди.

Бешинчи тамойил – Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни дав-латлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш,



Раҳмонжон ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Халқ депутатлари  
Наманган вилояти Кенгаши  
депутати, ЎзЛиДеП аъзоси.

тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкам-лаш ҳамда ривожлантиришга интилиш. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 142 мамлакатни билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлиб, юздан ортиқ халқаро ташкилот ва тузилмаларга аъзо ҳисобла-нади. Шу билан бирга, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда очиқ ва тинч, прагма-тик ва фаол ташқи сиёсатнинг мутлақо янги модели амалга оширилмоқда.

Мазкур моделнинг энг муҳим вазн-фалари миллий ривожланиш мақсадла-рига сўзсиз эришиш учун барча ички ва ташқи ресурсларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш, мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун қулай ташқи муҳит-ни шакллантириш, миллий манфаатлар-ни халқаро майдонда самарали илгари суриш ва изчил тарғиб қилиш ҳамда миллий ривожланиш мақсадларига эришиш ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ортиб боришини таъминлаш учун бар-ча имкониятларни ишга солишдир. Бу вазифаларни амалга оширишда Янги Ўзбекистоннинг барча хориж давлат-лари билан муносабатларни ўрнатишда прагматик ёндашувни мустаҳкамлаш, кўп томонламалик тамойилини илгари суриш, глобаллашувнинг ижодий жараёнларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳам-корликни йўлга қўйиш, давлатимизни дунёнинг фаол ва тадбиркор мамлакат-лардан бирига айлантиришга қаратил-ган ташқи сиёсати асосий омил бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз дунёвий давлат, очиқ ва адолатли жамият куриш, унда тенглик ва тенг ҳуқуқли-лик принципларини ҳаётта таъбиқ этиш, фуқаролар, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини камситмаслик ғояларига асосланади. Бунда юртимизда инсон ҳуқуқлари маданий тобора юксала-ётгани, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати-га ҳурмат руҳи шакл-ланаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, бутун Конститу-циямизнинг янги меъёрларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш-га қаратилганини ишонч билан таъки-длаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуни-нинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституция-вий-ҳуқуқий асос яратилди. Бинобарин, Янги Ўзбекистон ўзининг ушбу соҳалар-даги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқлигини яна бир бор намоён этди.

## КЎЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ДАВР ТАҚОЗОСИ

Хонадонларни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашда ҳозирги кундаги усуллардан фойдаланиш уй йўжаликлари учун қиммат харажат ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келинаётган иситиш усуллари экологик жиҳатдан зарарли эканлиги ҳам ҳаммага маълум. Кўмир, нефт маҳсулотларини ёқишдан пайдо бўладиган зарарли газлар сайёраимизда иссиқхона эффектини юзага келтирувчи сабаблардан бири эканлиги ҳақида олимларимиз бонг уришмоқда. Ҳаттоки биз зарарсиз, деб ҳисоблаган табиий газ ҳам худди шундай хусусиятга эга эканлиги кейинги вақтларда аён бўлди. Шуларни инобатга олган ҳолда дунё ҳамжамияти муқобил энергетикага ўтишни мақсад қилиб қўйди. Биз мазкур мақола орқали кўёш энергиясидан фойдаланиш усулларидан бирига жамоатчилик эътиборини қаратмоқчимиз.

Инсон кўёш иссиқлигидан фойдаланиш-ни қадим замонлардан бошлаган. Қадимги Рим ва қадимги Юнонистонда уйлар қишда кўпроқ кўёш нури тушадиган қилиб қурилган. Ҳозирги кунга келиб кўёш нуридан фойдала-нишнинг хилма-хил усуллари ўйлаб топилди. Илм-фанда эса кўёш энергетикаси деб номлан-ган катта бир йўналиш пайдо бўлди.

Бизнинг назаримизда кўёш нурларидан электр энергия ва иссиқлик энергиясини олишга асосланган кўёш энергетикаси муқо-бил энергетикалар орасида энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Айнан кўёш энерге-тикаси анъанавий энергетиканинг ўрнини босиши олимлар томонидан тан олинмоқда. Бунга сабаб биринчидан, кўёш энергияси “қарийб битмас-туганмас”, иккинчидан кўёш нурларидан фойдаланишнинг тақлиф қили-наётган усуллари мутлоқ зарарсиз. Ҳозирги кунда кўёш нурларидан энергетика мақсадла-рида фойдаланишнинг иккита физик-техник усули мавжуд. Биринчиси – фотоэлектрик усул, бунда фотоэлектрик элементлар ёрдамида

кўёш нурларидан электр энергия олинади. Иккинчиси – кўёш нурларининг суюқликни қиздириши ёрдамида иссиқлик энергиясини олишга асосланган фототермик усул. Фотоэ-лектрик усул магбуот томонидан кенг ёритил-ган ва ёритилмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур йўналишда ривожланиш сезиларли даражада бўлмоқда. Буни кейинги пайтларда томларга қўйилган кўёш панеллари сонининг кескин ошиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин. Биз кўёш нурларидан иссиқлик энергиясини олишга асосланган фототермик усулни ёри-тишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Фототермик усул фотоэлектрик усулга нисбатан анча содда ва муҳими, арзон ҳисоб-ланади. Бу усулда иссиқлик ташувчи (кўпинча сув) кўёш коллектори деб аталувчи ёруғлик ютувчи қувурлар тизимида юқори ҳарорат-ларгача қиздирилади ва хоналарни иситишда ҳамда сувларни қиздиришда фойдаланилади. Бир метр квадрат майдонни эгаллайдиган энг содда конструкцияли кўёш коллектори бир кунда 50-70 литр сувни 80-90 даражагача қиз-

дириши мумкин. Кўёш коллекторлари ёрдамида хонадонлар иссиқ сув билан таъминланади. Кўёш коллекторининг уч тури мавжуд: ясси, вакуумли ва ҳаволи.

Қурилмаларнинг ҳар бир тури ундан фойда-ланиш ва ясаб олиш имкониятларини аниқлаб берувчи афзаллик ва камчиликларга эга.

Ясси коллекторлар кенг тарқалган ва арзон вариант. Бундай коллекторлар қуйдаги аф-залликларга эга:

- фойдаланишга қулай;
- ишончли ва самарали;
- узоқ фойдаланиш даврига эга;
- бозор ва дўконларда кўп учрайдиган ма-териаллардан ясаб олиш имкониятининг мав-жудлиги.

Шу билан бирга ясси коллекторларнинг фой-дали иш коэффициентининг пастлиги ва қурил-маи таъмирлаш учун уни тўлиқ бўлакларга ажратиш зарурлигидан иборат камчиликларга ҳам эга. Бундай коллекторлар алломинли тўғри тўртбurchак шаклдаги панелдан иборат бўлади. Панелнинг ички қисмига иссиқлик ташувчи суюқлик билан тўлдирилган мис қувурлар ўр-натилади, қуёшга қараган қисми қуёшнинг ин-фракизил нурларини ютувчи ва мис қувурларга иссиқлик узатувчи қоплама билан қопланган бўлади. Иссиқликни сақлаш мақсадида панел-нинг бошқа қисми иссиқлик сақловчи материал билан қопланади. Агар иссиқлик ташувчи сифа-тида антифриздан фойдаланилса, бундай тизим сувни йилининг барча фаслларида иситиб бера олади. Шунга қарамадан қишда коллекторнинг ички ва ташқи қисмидаги ҳароратлар фарқи катта бўлганлиги учун иссиқлик йўқотилиши

ошади ва натижада коллекторнинг самарадор-лиги пасаёди.

Вакуумли коллекторларда асосий элемент кўёш энергиясини иссиқликка айлантирувчи ва уни иссиқлик ташувчига узатишни таъ-минловчи вакуум қувур ҳисобланади. Бундай коллекторларнинг фойдали иш коэффициенти юқори ва фойдаланишга қулай, баҳор, ёз ва куз фаслларида кўп миқдордаги сувни иситиш тез бўлган афзалликларга эга. Бироқ қурил-ма ташқи механик таъсирлар остида ишдан чиқишга мойиллиги билан фойдаланувчи-га маълум бир қийинчилик туғдириши мумкин. Бундай таъсирлар хатто дўл қўрнишидаги ёгингарчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Вакуум-ли коллекторларни фақат мусбаб ҳароратли муҳитда ишлатиш мумкинлиги, ундан фой-даланиш даврини камайтиради. Биз юқорида коллекторларни фойдаланувчининг ўзи ясай олиш критерияси ҳақида гапириб ўтган эдик. Шунга кўра вакуумли коллекторларни саноат усулда тайёрланадиган қувурларсиз фойда-ланувчи мустақил ясай олмаслигини айтиб ўтиш керак.

Ҳаволи коллекторларда иссиқлик манбаа-си бевосита кўёш нурлари бўлмасдан, балки ҳаво бўлади ва шу сабабли ҳам самарадорлиги паст. Бундай коллекторларнинг афзалликлари унинг оддийлигида ва фойдаланиш муддати узоқлигида. Камчилиги эса фойдали иш ко-эффициентининг пастлиги ва ўлчамларининг катталигида.

Кўёш коллекторлари мамлакатимизда кўёш энергиясидан йил давомида фойдаланиш имко-ниятини беради. Бунинг учун фойдаланишнинг

муҳим хусусиятларини билиш керак. Аввало, фойдаланиш турига (уйни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш) қараб кўёш коллекторлари ёпиқ ёки очиқ тизимга ўрнатилиши мумкин. Иссиқлик ташувчи ёки иситилган сувнинг ай-ланишини таъминлаш мақсадида циркуляция насослардан фойдаланиш керак. Вакуум қувур-ларига кўёш нурларининг кўпроқ тушишини таъминлаш мақсадида уларни тез-тез тозалаб туриш керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда фой-даланувчиларга тавсия қилишимиз мумкинки, иссиқ сувга эҳтиёжи катта бўлган хонадонлар ясси коллекторларни, иссиқ сувга эҳтиёжи кат-та бўлган хонадонлар ва ўзларининг алоҳида биносига эга бўлган ташкилотлар вакуумли коллекторларни танлашганлари маъқул. Кенг тарқалган ясси коллекторларни яшаш анча осон. Агар уни яшаш маҳаллилаштирилса, таннархи анча пасайиши ва натижада кенг олма кўёш коллекторларидан фойдаланишга ўтиши мум-кин. Шундагина кишлоқ аҳолиси ҳам иссиқ сув билан таъминланади. Бундан ташқари, иссиқ сув билан таъминлашга ишлатилаётган табиий газ ва электр энергия тежалади.

Маълумки, иссиқхоналарни иситиш учун табиий газ ва экологик зарари кўп бўлган кў-мир ишлатилмоқда. Агар олимларимиз кўёш коллекторларининг кўп миқдордаги сувни иситидаган турларини яратишса, мамлака-тимиз иқтисоди ўсишига, кишлоқ жойларда аҳолининг иш билан таъминланишига катта ёрдам берган бўларди.

Р. ШАМСИЕВ,  
Алфраганус университети Математика  
ва физика кафедраси доценти,  
З. ҲАЙИТОВ,  
Математика ва физика кафедраси  
катта ўқитувчиси.

*Халқаро тажрибалар ва таҳлиллардан қўринадики, техникани илмий асосда сақлаш тизими ишлаб чиқаришининг барқарорлигини, меҳнат самарадорлигини ва техника ресурсининг узоқ муддатли ишлашини кафолатлайди*

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ ЙЎЛИДАГИ ТАНЛОВ ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

Яқин ўтмишда дунё халқларини ўз синовидан ўтказган коронавирус пандемияси мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам катта мактаб бўлди. Барчамизни кундалик ҳаётда оғоҳ ва ҳушёр, санитария талабларига риоя этиб яшашга ўргатди. Азалдан поклик, саранжом-саришталик, тозаликка катта эътибор бериб, умргузаронлик қилишга одатланган юртдошларимиз нафақат оиласи, жамоат жойлари, ишхонасида ҳам соғлиқ-саломатлик, узоқ умр кўриш гарови бўлган қўлни тоза тутиш, зарурат туғилганда ниқоб тақиш, юкумли, паразитар касалликларнинг олдин олинда вакциналар қабул қилиш, соғлом турмуш ва овқатланиш қоидаларига риоя этиб яшашни кундалик одатга айлантирдилар.



Натижада, мамлакатимиз фуқаролари орасида қатор юкумли, паразитар касалликлар билан касалланиш тамоман барҳам топди. Айримларининг юқиб даражаси кескин пасайди. Бу борада оиламдаги ўзгаришлардан ҳам кўнглим тоғдек кўтарилади. Ўзим ишдан, кўча айланиш ёки тўй-маросимдан қайтар бўлсам, энг аввало, уйга киргач, кўча кийимимни алмаштириш, қўлимни совунлаб ювишга одатландим. Богчага қатнайди-ган 2,5-4 ёшли Муҳаммадризо ва Абубакр исмли невараларим бор. Жажжиларимни бағримга босиб саломлашарканман, улар менга богчасида юз-қўл, оғиз ва меваларни қандай ювиш ҳақида ўрганганларини бийрон-бийрон тилда айтиб беришади. Микроблардан қандай сақланиш лозимлиги ҳақида менга "насихат" ҳам қилиб, ўз "маслаҳатларини" аяшмайди.

Шунда бир нарсадан кўнглим тўлади. Демак, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида эришилаётган натижалар асосида амалга оширилаётган тарғибот ишларининг самараси ва ўрни бекиёс. Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осовишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, қўйи тизимга қўйилаётган талабларнинг ижросини таъминлаш учун астойдил меҳнат қилишимиз шартлигини дилдан ўтказаман.

Бу борада бошқарма ва унинг ўн тўртта шахар ва туман бўлимларида меҳнат қилиб келаётган 1200 нафардан ортиқ соҳа ходимларининг билим,

тажриба ва салоҳиятидан самарали фойдаланилса, кишилар онгида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш, тиббий саводхонлик бўйича янада кўпроқ ижобий натижаларни қўлга киритишимиз мумкин. Бунн бошқарма ахборот хизматининг тажрибали мутахассислари салоҳиятига таянган ҳолда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошираётган тарғибот тадбирлари пировард сарҳисобида ҳам кўриш мумкин.

Яқунланаётган йилда ҳам ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлимида қўмита томонидан тасдиқлаб берилган медиарежа асосида муайян ишлар олиб борили. Маҳаллабай ишлаш тизими



бўйича 20 мингга яқин учрашув, суҳбат, маъруза, тарғибот тадбирлари ташкил этилди. 12679 нусха тарқатма материаллар аҳолига тақдим этилди. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларнинг мунтазам фаолияти йўлга қўйилди. Телевидениеда 67 та, радиода 1265 та, босма нашрларда 161 та кўрсатув, суҳбат, мақолалар чоп этилди. Қўлга киритилаётган натижаларда қўмита ва унинг ахборот хизмати томонидан кўрсатилаётган йўл-йўриқ, тавсия, маслаҳатларнинг аҳамияти салмоқли бўлаётир.

Ўтаётган йилда бошқарманинг ахборот хизмати томонидан қатор хайрли ишларга қўл урилди. Соҳа ходимлари меҳнатини шарафловчи "Саломатлик посбонларисиз" кўшғни яратилди. Вилоят мусикали драма театрининг ҳушовоз хонандаси



Ҳамиджон Маллабоев томонидан ижро этилган бу қўшиқ республика, вилоят миқёсидаги тадбирларда баралла янграб келмоқда.

Шунингдек, тарғибот ишлари самарадорлигига эришишда роликларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаган ҳолда бўлим томонидан бошқарма раҳбариятига киритилган тақлиф ҳам қўллаб-қувватланди. Бошқарманинг шахар ва туман бўлимлари ўртасида "Юкумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш" мавзусида "Роликлар танлови" эълон қилинди. Унинг доирасида шахар ва туман бўлимлари томонидан 14 та юкумли ва паразитар касалликлар тури бўйича роликлар тайёрланди. Белгиланган низом ва шартлар асосида ўтказилган танловда қўмитанинг ахборот хизмати раҳбари Мафтуна Саидова маслаҳати, йўл-йўриқлари бўйича ҳайъат аъзолари роликларни баҳолади. Якуний ҳисоб-китобларга кўра, янгикўрғонликлар биринчи, Наманган тумани иккинчи, Наманган шахри мутахассислари учинчи ўринга муносиб топилди. Улар компьютер ва тарғибот йўналишига хизмат қилувчи жиҳозлар билан тақдирланди. Тадбирда бошқарма раҳбарияти томонидан ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлимининг танловни анъанавий тарзда давом эттириш ҳақидаги тақлифи қўллаб-қувватланди.

Сирасини айтганда, мамлакат миқёсида Наманган вилоятида илк бор ўтказилган "Роликлар танлови" келгусида ҳар йили ўтказиб борилади. Энди қатнашчиларнинг нафақат тайёрлаган ролиги учун, балки ижтимоий тармоқдаги фаолияти, ОАВлардаги тарғибот ишлари, тарқатма материаллари сифати ва салмоғи, янгича маҳаллабай ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун ҳам алоҳида балл берилади. Танлов 2025 йилнинг 1 декабридан бошланиб, 2026 йилнинг 1 ноябрида яқунланади. Ҳолиблар келгуси йилда "Тиббиёт ходимлари кунн" муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирда тақдирланадилар.

**Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,**  
*Санитария-эпидемиологик осовишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.*

## ЗАМОНАВИЙ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ САҚЛОВГА ҚЎЙИШДАГИ ИЛМий ЁНДАШУВЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Қишлоқ хўжалиги машиналарини сақловга қўйиш масаласи жаҳон миқёсида узоқ йиллардан буён илмий тадқиқотлар, норматив меъёрлар ва амалий тажрибалар асосида такомиллаштириб келинмоқда. Замонавий агромуҳандислик ёндашувларига кўра, техниканинг самарадорлиги нафақат эксплуатация жараёнига, балки мавсумдан кейин сақловга олиш тадбирларининг тўғри ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Механизация даражаси юқори бўлган мамлакатларда техникаларни сақлаш тизими махсус меъёрий ҳужжатлар, давлат стандартлари ва илмий тавсиялар асосида йўлга қўйилган. Бу тизимнинг асосий мақсади техника хизмат муддатини узайтириш, эксплуатация харажатларини камайтириш ва келгуси мавсумда ишга туширишдаги техник таваккалчиликни минималлаштиришдан иборатдир. Хитой тажрибасини оладиган бўлсак, пахта етиштиришда етакчи ҳисобланган Синзян вилоятида механизация даражаси 95 фоиздан ошган. Бу ҳудудда техникалар марказлашган тарзда ангарларда сақланади. Машиналар мавсум тугагач, гуруҳли консервация ишлари амалга оширилади ва ингибиторли мойлар ҳамда парафинизаторли плёнкалар қўлланилади.

Хитойнинг бу моделини Ўзбекистон шароитига мослаштириш жуда мақбул, чунки у иқтисодий тежамкор ва тизимли. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги техникаларини сақловга қўйишда бир хил стандартлашган усуллар мавжуд эмас. Айрим ҳудудларда ангар шароитида, айримларида очик ҳавода сақлаш ҳолатлари кузатилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, техника сақлов тизимига илмий ёндашиш бу нафақат моддий тежамкорлик, балки эксплуатация барқарорлиги ва меҳнат самарадорлигини кафолатловчи омил ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, техникаларнинг 30-35 фоизи очик майдонларда сақланмоқда, ангар тишидаги сақлаш жойлари етарли эмас, мойлаш ва консервация ишлари кўп ҳолларда тўлиқ бажарилмайди. Натижада, металл қисмларда коррозия, резина ва пластик элементларда ёриқлар пайдо бўлади, гидравлик тизимда суюқликлар сиқилиб чиқиши кузатилади. Бу ҳолатлар техника ресурсини 2-3 йилга қисқартиради.

“Қишлоқ хўжалиги техникаларини консервация қилиш ва сақлаш қоидалари” тўғрисида норматив ҳужжат жорий этилиб, унда сақлаш турлари, усуллари, мойлар ва ингибиторлар турлари илмий асосда белгиланиши керак. Мойлаш махсуслотларини, айниқса, ингибитор мойларни маҳаллий ишлаб чиқариш импорт харажатларини камайтиради ҳамда фермер хўжалиқларини ушбу махсуслотлар билан арзонроқ ва барқарор нархларда таъминлаш имконини яратди.

Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университети ва ҳудудлардаги ОТМлар ҳамда коллежларда мутахассислар ва механизаторлар учун “Замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш ва консервация қилиш” мавзусида амалиётга йўналтирилган тренинглар ташкил қилиш зарур. Техникасини тўғри сақловга қўйган кластер ва фермерларга солиқ имтиёзлари ёки лизинг ставкалари бўйича чегирмалар бериш мумкин. Ҳар бир пахта териш машинаси учун рақамли “техника паспорти” яратилиб, сенсорлар орқали ҳарорат, намлик, вибрация ва мой даражаси онлайн кузатиб борилиши ҳам тавсия этилади.

Халқаро тажрибалар ва таҳлиллардан кўринадики, техникани илмий асосда сақлаш тизими ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини, меҳнат самарадорлигини ва техника ресурсининг узоқ муддатли ишлашини кафолатлайди. Пахта териш машиналарини мавсум якунида сақловга қўйиш бу оддий техник хизмат эмас, балки мураккаб физик, кимёвий ва технологик жараёнларни ўз ичига олган, илмий асосланган технологик босқичдир. Сақлаш жараёнининг тўғри ташкил этилиши техниканинг келгуси мавсумдаги ишончли ишлашини таъминлайди, хизмат муддатини 7-8 мавсумга узайтиради ва таъмирлаш харажатларини ҳар йили 30-40 фоизгача камайтиради. Илмий асосда ташкил этилган консервация тизими бу техник ресурсларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи энг муҳим омиллардан биридир.

**А.РАЖАБОВ,**

*Тошкент давлат аграр университети  
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва автоматлаштириш кафедраси доценти.*

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

## САТРАДГА ҚЎЧГАН ЁДНОМА

Яқинда "Маънавият" наشريётдада чоп этилган икки қисмдан иборат "Барҳаёт сиймолар" номли тарихий ҳужжатли китобдаги айнан бой тажрибалари туфайли қилни қирқ ёрган, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўзларининг оқил тадбирлари билан вазиятдан чиқа олган, ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзларидан яхши ном ва эзгу ишлар қолдирган кекса ёшдаги пиру бадавлат оталаримизга нисбат бериб ёзилган хотира битикларида сеvimли шоиримизнинг юқоридаги шеърий ҳикматининг маънолари анча теран ифода этилибди.

“Янги Ўзбекистоннинг бутунги ёш авлоди ота-боболаримизнинг босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлларини яхши билишлари, уларга муносиб ворислар бўлиб, улғайишлари лозим”, дейилади Ўзбекистон фажрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамат Носиров томонидан ёзилган сўзбошида. “Шу маънода китобга киритилган, Пискентнинг етук зиёли фарзандлари бўлган фидойи инсонлар фитратига биринчи навбатда одамлилик, халқ манфаати доимо устувор бўлган. Улар ҳаётдаги барча таъсирилик ҳикоялар, фаолиятлари давомида отиртирган бе-назир тажрибалари ёшларимиз учун чинакамга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Ушбу рисола фарзандларимиз қалбига ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашда, маънавиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этади”.

Маълумки, Пискент аграр туман. Китобга киритилган, ўз даврида турли вазифаларда фидокорона меҳнат қилиб, ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган бир қатор соҳа эгалари қаторида қўллаб қишлоқ ва сув хўжалиги фидойиларининг ҳам фаолиятларига кенг ўрин берилганлиги ўтганлар хотирасига бўлган ҳурмат ва эътиборни янада ошириши баробарида эл-юрт манфаати йўлида қилинган хизматларнинг ҳеч қачон унутилмаслигини аңглатади. Зотан, улар томонидан бир вақтлари ўзлаштирилган ерлар, обиҳаёт келтириш мақсадида қурилган сув иншоотлари, қазилган ариқ ва анҳорлардан, яратилган сўлим

гўшалару боғ-роғлардан бугунги авлод ҳали ҳамон баҳраманд бўлмоқда. Хотира китобига киритилиб, хизматлари алоҳида эътироф этилган бундай олижаноб инсонлар орасида ўз даврининг “Меҳнат қаҳрамони” сифатида танилган Ҳаким полвон Қодиров, Соҳибхон Ғуломхонава, пахтачилик илмининг билимдонлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони соҳиблари – Ислиддин Ҳайдаров, Аҳмад Дўстбеков, Муносиб Авазов, Туробжон Иномов, Ҳаким Бегматов, Хушвақт Ширинов ва Ҳазрат Нуоров, сув хўжалиги тизимни фажрийлари бўлган Ямин Абдулхаев, Тўлқинхон Иброҳимов, Шавкат Жамолов ҳамда Шомурод Эсеркепов каби соҳа фидойилари бор.

Қаҳрамонларнинг ҳаёти ва раҳбарлик фаолиятини ёритишда хозирги ёшлар, айниқса, етакчилар учун кучли мотивация бўла оладиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, ўзгача фель-аторв ва фазилатлар соҳиби бўлган, ўша кезлари, турли йилларда тумандаги мавжуд ўнта жамоа хўжалигининг тўққизтасига раҳбарлик қилиб, доимо юксак натижаларга эришган Муносиб Авазов ишдан ажралмаган ҳолда илмий даражани ошириш, соҳада турли янгилликларга асос солиш мумкинлигини амалда кўрсата олган иқтидорли раҳбар эди. У собиқ итти-фок давридаёқ ўз хўжалигида орта ҳосил етиштириш бўйича биринчи бўлиб чигитни плёнка остига екиш амалиётига асос солган, бу борадаги изланишлари натижасида қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий

– **Хотирага не дейсан?**  
– **Дилда ўлмаган одам.**  
– **Кимлар дилда ўлмайди?**  
– **Элда ўлмаган одам.**

**Маҳмуд ТОИР,**  
**Ўзбекистон халқ шоири.**

даражасига эга бўлганди. “Гулистон” жамоа хўжалигига муттасил ўттиз беш йил раҳбарлик қилган Ислиддин Ҳайдаров қишлоқ аҳлининг маданияти, маънавий, маърифий жиҳатдан саводхонлигини оширишга биринчи галдаги вазифа сифатида қараган. Янги умумтаълим мактаблари, мактабча тарбия муассасалари, музей ва дам олиш масканларини барпо этиш баробарида хўжаликка доимо таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирларнинг келиб туришларини таъминлаган. У ўша кезлар машҳур “Гулистон” жур-налининг тахрир хайъати аъзоси эди. Ўз навбатида журнал ҳам хўжаликни оталиқка олганди.

Ёки “Пискент” 1 давлат хўжалигини узоқ йиллар маҳорат билан бошқарган Туробжон Иномов ўз жамоасида бош муҳандис билан “Афолон” номли мослама яратиб, вилоятда биринчи бўлиб техника ёрдамида чорва фермасидаги маҳаллий ўғитларни пахта қатор ораларига солишни йўлга қўйган. “Пискент” 2 давлат хўжалиги директори Аҳмад Дўстбеков эса ҳудуддаги қатор қишлоқларни газлаштиришда муаммолар пайдо бўлганда шахсан Республика раҳбарининг хонасига дадил кириб боришга ўзида журъят топа олган ва масалани оқилона хал қилишга эришган эди. Китобни ўқиб, қаҳрамонларнинг ҳар биридаги бу каби фазилатлардан хабардор бўлиш мумкин.

Албатта, ҳар бир хайрли амал эзгу ният билан юзага чиқади. Шу нуқтан назардан қараганда, мазкур тарихий китоб ҳам бир гуруҳ кекса ёшдаги зиёли инсонларнинг ажодлар хотирасига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромлари туфайли юзага келди, десак янглишмаган бўламиз. Ўтган йили китобга киритилган умри азиз



инсонлар билан елкама-елка туриб, меҳнат қилган, уларнинг аксариятига ҳамкасб ва шогирд бўлган, бутун гарчи ўзлари ҳам нафақада бўлсада, туманнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳамон фаол иштирок этаётган бир гуруҳ улуг ёшдаги инсонлардан иборат Нуронийлар кенгаши ташкил этилган-ди. Улар орасида таниқли ижодкор, ўзининг ўнлаб дилтортар асарлари билан қўпчиликнинг эътиборига тушган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Собиржон Иномов, иқтидорли фажрий журналист Эргаш Абдуллаев, узоқ йиллар туман ва вилоят миқёсидаги масъул лавозимларда ишлаган Турдали Умаралиев, Абдуллажон Деҳқонов, Баҳодир Ниёзов, Мустафо Дадаев ва Рустамжон Шукуровлар бор. Хайрли ишнинг кечи йўқ, деганларидек, кенгаш йигинлари жараёнида бутун туман аҳли севиб мутолаа қилаётган мазкур китобни яратиш ғояси туғилди. Астойдил саъй-ҳаракатлар асосида Пискентнинг ибратли инсонлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи, икки китобдан иборат мана шу мухтасар ёднома яратилди.

– Туманимизнинг тамал тошини қўйган азиз инсонларнинг босиб ўтган ибратли йўллари, бой ҳаётий тажрибалари турли йигинларда, айниқса, ёшлар жам бўлган анжуманларда, уч авлод учрашувларида алоҳида эҳтиром билан эътироф этилишини истаимиз, – дейди ўзи ҳам илгари узоқ йиллар туманини бошқарган, гоё ва асар муаллифларидан бўлган меҳнат фажрийси Жўракул Отақулов. – Зотан, ажодларнинг порлоқ хотирасига бўлган юксак ҳурмат ва эътибор шубҳасиз, Янги Ўзбекистон ёшларини доимо юксак марралар сари чорлайди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**  
**“Qishloq hayoti” муҳбири.**

### Эълон

02-02/123 рақами билан 1992 йил 28 ноябрда Цой Марта Ирсебовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.





## Jizzaxda xalqaro sertifikat beruvchi o'quv markaz ish boshladi

**Yaqinda Agrobank tomonidan Jizzax shahrida payvandlash (svarka) va xorijiy tillar bo'yicha xalqaro sertifikat beruvchi zamonaviy o'quv markazi tashkil etildi.**

1 100 m<sup>2</sup> maydonda joylashgan markaz 6 ta jihozlangan o'quv xonasi, asbob-uskunalar va zarur texnika vositalari bilan to'liq ta'minlandi.

Ushbu markaz "GOLD ASH" xususiy korxonasi bilan hamkorlikda tashkil etilgan bo'lib, Estoniyaning AEW tizimi asosida ISO 9606-1 xalqaro sertifikati taqdim etiladi.



Shuningdek, markazda xorijiy tillar, yuk ko'taruvchi kara haydovchisi, elektr-texnika, lesa terish va boshqa yo'nalishlar ham yo'lga qo'yiladi. Bugungi kunda 20 nafar fuqaro ta'lim olishni boshladi.

Agrobank ko'magi asosida markazda 32 o'rinli yotoqxona va oshxona ham barpo etilgan, bundan tashqari o'quv markazining Sirdaryo viloyatida filial ochish ishlari yakuniga yetkazilmoqda.

Markaz orqali yil davomida 500 dan ortiq fuqarolar o'qitilib, xorijda yuqori maoshli ish o'rnlari bilan ta'minlanishi rejalashtirilgan.

### Эълонлар

|                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                         |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 01-02/2972 рақами билан 1993 йил 16 январда Криносова Валентина Андреевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. | 08-01/28404 рақами билан 2002 йил 20 мартда Мирзаев Ғуломжон Ғофуржон ўғли номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

### Ҳикоя

Тоштепа – тоғ тагидаги қишлоқ. Тубканинг тубида.

Хайри холаникида тадбиру тавозе – “Бўмишгул” бўляпти. Эскидан қолган аёлларнинг маросими бу. Динимизга алоқаси борми-йўқми, бунисини билмайман. (Хуллас, Сурхон томонларда “Бўмишгул”, водий ва Тошкент тарафларда “Биби сешанба”, “Мушкулкушод” дейишади...)

Хайри хола кўз кири билан разм солди – этаги бутуннинг бари шу ерда. Ойнали айвонда майнадай чуғур урган аҳли аёл бири қўйиб, бири олиб гап сотади. Хуллас, маҳалла-қўйнинг хотин-халажи жам, биргина Тошгул кам. Хола пойгакда патак калишини эндигина ечаётган келини Қирмизгулга сўроқ отди:

– Тошгулни айтмаганмидинг?

– Айтувдим эна, айтувдим. – Келин бешик тебратардай тебраниб турди. – Келмабди-да...

– Бор, яна бориб айт. Энам қақиряпти, де. Тавба, қуш беги билан шавла емабди...Сондан чикса ҳам элдан чиқмасин. Бу гапимни ҳам айт!

Қари-қуридан иборат “момодавра”да пир-пирак пиликдек нур таратиб турган Қирмизгулнинг қораси ўчди – чиқиб кетди.

– Дугон, сазайингни созойи қип нима қиласан! Барибир кемайди. – Ҳамиша фитнанинг уусига олов урадиган Турди момонинг туршак-тиришқоқ юзида киноа ўти гуриллади. Момонинг алами ичида эди; сабабки, ўтган куни неварасига “чилла чиқди” қилиб таниш-билишни чорлаб худойи қилишувди. Қаттиқроқ йўталсанг девори зириллайдиган жон ҳамсоя бўлиб шугина Тошгул чикмади, ҳамма келди, яқин-йироқ, хешу бегона дегандай. Фақат Тошгул ўлгур...

– Холчучик момонинг, ундан сўнг Нормурод бованинг жанозасида ҳам кўринмади, – деди Раҳима хола.

– Ҳалима қиз узатди. Шуникига ҳам келмади. Тўғрими, Ҳалима? – ўсмоқчилади кимдир.

– Ойсоат опанинг қудачақирдисига ҳам келмади. Томир-помيري сувга текканов шунинг, – кесатди Норой опа.

– Томирини билмадимов, боши осмонга



теkkани чин, – ўдағайлайди Раҳима хола.

– Нима мундай деяпсиз, овсин? – ижикилайди Норой опа.

– Бир боласи Англиями, Панглиями шу ёқларга оиласи билан кўчиб кетибди. Биз-несчи-ми, бир бало. Ҳа, анави Тошкентдаги бой парзанди (фарзанди демоқчи) бор эди-ку, Нурматми, Қўлматми, шунисини айтаялман. Яна бирови, индамасгина бўлиб юрадигани бориди, шунисининг оти...

– Ҳа, шунисини оти Нурмат. Анави Англияга кетгани Қўлмат у, Қўлмат, – гапга суқилади хотинлардан бири.

– Ҳа, – ишқилиб, шу Нурмат Оқтепа томонда узум завод кураман деяптимиш, – Раҳима хола ичидаги куйиндини босиш учун сопол косадаги ўрик шарбатини даст кўтарди.

– Ҳей, замонингдан айланай? Чет эл дегани ҳам катта ариқнинг нариги бетидай яқин бўп қолди. Харрак кўприкининг нарёғи чет эл, хулласи гапи... – Ойдин момо билагонлик қилди. Аммо... Аммо... уй соҳибаси Хайри холанинг

алами ичида захм еб, ҳовури ҳамон босилма-ганди. Шу пайтгача сухани сояда қолмаган эди-я. Ўқласа ўқлови ҳам ўқ отарди. Даврага қараб:

– Нима бало, бу Тошгулнинг элдан бети қуйганмикан? Элга эт бўлмаган шайтонга кет бўлади, дегувчийди энам раҳматли, – деб юборди.

– Икки-уч ойдан бери кўчага чиқмай қўйган, – деди тўрдаги Замира хола.

– Нима бало, чиллага кирганми? – кесатди ёнидаги аёл.

Энди давранинг шамоли Тошгулнинг аъмолига қараб эсди.

– Эри ўлгандан бери одамови бўп қолди-ёв.

– Эри ўлганига бир йилдан ошди, келиб-келиб энди одамови бўладими, ўйнаб-қулиб юрувди-ку? Сиз ҳам қизик гапирасиз-а?

– Мен қаердан билай? Буни эри ўлганлардан сўранг, сизга қизикчи бўлиб қолдимми-а?

– Мунча тизилламанг. Келмаса келмабди, Тошгулисиз қолдикма? Қўйинг. Сиз оғзимиз сенга бормасин...

Давранинг ўт олган ўчоғига Замира хола мой урди:

– Тошгул ҳамсоям ўзини ўқитиб-мўқитиб ташламаса бўлмайди. Ҳовлиси пешонамизда-ку, кўзим тушади: чорпояда уззукун нимагадир тикилиб ўтиргани-ўтирган. Тунов куни борувдим, мени кўриши билан шахт ўрнидан туриб қорасини ўчирди. Қўлида шапалоқдеккина бир ойнами, билмайман, шунга қараб-қараб қўйди-да, уйига кирди-кетди. Итмисан, эшакмисан, нимасан, демади-я...

– Иб-е-ей, Тошгулни жин чалибди, эмасам, – деди Хайри хола, – қўлидаги шайтоннинг ойнасидир-да. Одам бундай пайти нима кўтариб юрганини билмайди.

Шу тобда, хотинларнинг маърака-мажлиси авжига минаётган пайтда пешайвонда Қирмизгул келин қимтиниб бўй кўрсатди. Давра дими-дирс тортиди. Ҳамманинг нигоҳи Қирмизгулда, ҳаммасининг қулоғи динг.

– Нима деди? – Хайри хола келинига кўз қадади.

– Боролмайман, деди...

– Энам қақиряпти демадингми? Бир уй аёл сизга мушток, кўзи учиб турибди, демадингми? – Дедим.

– Ҳўш...

– Бегоб эканлар, – келин ийманиб бош эгди.

Шу маҳал айвонга ўн-ўн бир ёшдаги зумраша, кампирнинг эрка набираси Кенжавой учиб кирди-да, бурнини торта-торта, бада-банг арзи-ҳол этди:

– Момо, чечам алдаяпти. Тошгул хола бормаيمان, қишлоқнинг хотинларидай, сенинг момонгдай бекорчимасман, деди. Йиғин-пигинингдан ўргилдим, дунёбеҳабарлар деб қулди. Чиндан ҳам Тошгул хола бошқача-да.

Давра муз ургандай бўлди. Кимдир ихраб юборди.

– Чиниминан уни жин урган.

– Э-бей, ана бўлмасам.

– Сени еб-ютайин-да, ўзинг гўрда, сенинг дунёдан хабардорлигинг ер бўлармиди?! – Бу бир нарсага йўлиққан.

Хотинлар гапининг калаваси чувалди.

Тошгулнинг “томорқаси” тошга тўлди:

– Яна нима деди? – кампир неварасига

ўдағайлади.

– Ҳеч нарса демади. Менга... Менга... Айтаверайми?

– Нера каловланасан? Гапир.

– Менга қўлтилонини кўрсатди. Айпон. Зўр. Ўғли Лондондан жўнатибди. Антинаси ҳам ўзи билан. Тилпонига кампүтер улабди. Худди тиливизор дейсиз. Дунёни кўриб ётибди. Кимлар биландир гаплашяпти ҳам. Ўзим кўрдим, чачи сори (сочи сариқ демоқчи) ўрис, тагин қоп-қора негр аёллар билан ҳам тилпонда гаплашаркан. Шулар билан дугона бўлдим, деяпти Тошгул холам.

– Ҳой тирмизак, нима деб жавраяпсан? – Хайри хола набирасига анграйиб қараб қолди.

Набира ҳам дилидагини тили билан отди:

– Момо, мен жаврамайман. Сиз жавраяпсиз. Сиз, манави дугона-пугоналарингиз жаврашади. Сизлар тушунмайсизлар. Мен Тошгул холаникига хар куни бораман, холанинг қўлтилонида ажойиб-ажойиб, зўр нарсалар бор. Менга ҳам кўрсатади. Хола айтади, мен бутун дунёни кўриб тураман, булар эса мана шу Тоштепа қишлоғидан нарини кўрмайди, бечоралар деб сизларга раҳми келади. Тушундингизми? Менга ҳам шундайчакин тилпон оп беринглар...

Уй ичи бир қалқиб тушдиёв. Аҳли оғиза издиҳоми ғимирлаб қолди. Қош қоққан ким, кўз учирган ким, бош чайқаган ким, лаб бурган ким... Хуллас тирмизак набиранинг вайсаши тагидаги иддаони ҳеч ким тўлиқ ҳис этмаган бўлса-да, болакай тарафдан этни жунжиктирадиган совуқ бир эпкин эсгандай бўлди. Ҳа, куппа-кундуз куни, ёзнинг айни чилласида шундай бўлди. Буни деярли ҳамма ҳис қилди. Хайри холанинг эти жунжикди:

– Тошгулга қўшиб менинг неварамни ҳам жин чалганга ўхшайди...

...Қишлоқда ҳаёт давом этаверди. Тоштепада тонг отиб, кун ботаверди.

Қўлмат бобонинг кампири Норой хола бандачилик қилди. Тошгул хола эшитмади. Бормади.

Ойдин момо омонатини топширди. Тошгул хола беҳабар қолди.

Сайфи тоға ҳам бу дунёни бизга ташлаб кетди. Тошгул хола уйидан чиқмади...

### Реклама

## MKBANKning Sherdor kartasi — premium qulayliklar siz tomonda!



**Karta narxi:**  
70 000 so'm

**1 oylik abonent to'lovi**  
— **BXMning 15%**

### Afzalliklari:

-  **Toshkent xalqaro aeroportidagi CIP Lounge hududiga yiliga 4 marta gacha bepul kirish;**
-  **Yiliga 6 marta gacha dunyo bo'ylab aeroport lounge va CIP zallariga bepul kirish;**
-  **Mashhur restoranlar, do'konlar va xizmat ko'rsatish maskanlarida 20 foiz gacha chegirmalar;**
-  **Zeekr avtomobillari xaridida maxsus chegirma;**
-  **Golden House xonadonlari uchun imtiyozli narxlar.**

**Imtiyozlar ro'yxati doimiy ravishda yangilanib boriladi.**

Xizmatlar litsenziyalangan

## Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси комплекс  
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор  
вазирлик ва идоралар.

Бош мухаррир:  
**Чори  
ЛАТИПОВ**

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ,  
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ,  
Раимқул СУЯРОВ  
(бош мухаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-ракам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
**Нашр индекси** – 144. Буюртма Г-1117. 1430 нусхада чоп этилди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.  
**Реклама ва эълонлар** – (998 90) 317-19-16. **e-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.  
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ  
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.  
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 19.00